



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 50
(968)
2025 йил
11 декабрь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



КОНСТИТУЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

Ҳозирги кунда бутун дунёда давом этаётган чуқур сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар даврида Янги Ўзбекистонда инсон шаъни ва кадр-қиммати улуғланиб, тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

2023 йили умумхалқ референдуми йўли билан қабул қилинган Янги таҳрирдаги Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – суверен, демократик, ҳукукий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш-

нинг мутлақо янги механизмларининг конституциявий асослари мустаҳкамланди.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг конституциявий асослари

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясига фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди, улар конституциявий институт сифатида эътироф этилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш бўйича ислохотлар алоҳида йўналиш сифатида белгиланди.

Давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ишлаши, биргаликдаги ижтимоий лойиҳаларни кўпайтириш ва ижтимоий

буюртмалар сонини янада ошириши учун шароитлар яратилди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг демократик институционал тизими яратилган бўлиб, хусусан Парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳузурида жамоат фондлари тузилган.

Бундан ташқари, қарийб 350 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 4 минг 400 тадан ортиқ фармон ва қарорлари, бир канча миллий стратегия, концепция ва давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

2 ➤

ИСЛОХОТЛАР ФАЛСАФАСИ:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ЦИВИЛИЗАЦИОН ЙЎЛИ

Бугунги глобал ўзгаришлар даврида ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини қайтадан белгилаб, янги мақсадлар сари интилаётган бир вақтда, Ўзбекистон ҳам тарихий бурилиш нуқтасига етиб келди. Янги Ўзбекистон қурилиши, аввало, жамият онгидаги уйғониш, фуқароларнинг фаол позицияси ва ислохотларга ишонч билан боғлиқ жараён сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги ўзгаришлар нафақат сиёсий ёки ижтимоий соҳада, балки инсон кадри ва оила фаровонлигини марказга қўйган янги давлатчилик моделини шакллантирмоқда.

Покистонлик журналист ва ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг урду тилида ёзилган «Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепцияси» асарида ана шу ўзгаришлар моҳияти фалсафий ва ижтимоий нуқтаи назардан таҳлил этилади. Муаллиф ўз асарида «дунёда давлатлар ёки империялар алмашилиши мумкин, аммо тарих йўналишини белгилай оладиган ҳақиқий куч — бу буюк ғоялардир» дея таъкидлайди.

3 ➤

Яшил молия:

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНГИ КУЧ-МАНБАИ



Бугунги кунда барқарор ривожланиш бутун дунёда энг долзарб масалалардан бирига айланди. Иқлим ўзгариши, сув танқислиги, атмосферанинг ифлосланиши ва ресурслар танқислиги мамлакатларни ўз иқтисодий моделларини қайта кўриб чиқишга мажбур этмоқда.

Шу жараёнда яшил молиялаштириш – иқтисодиётни экологияга камроқ зарар етказадиган, энергияни тежайдиган ва табиатни асрайдиган лойиҳаларга йўналтириш – глобал тенденцияга айланган.

4-5 ➤



«1 Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини мустаҳкамлаш бўйича муҳим чоралар кўрилди. Хусусан:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга конституциявий мақом берилди;

иккинчидан, барқарор тараққиёт соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия сингари бир қатор парламент институтлари фаолияти йўлга қўйилди.

Конституция, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари

Янги Ўзбекистонда **жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик институтлари** изчил ривожланмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари парламент ва парламент комиссиялари, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқариш учун масъул давлат органлари фаолиятига кенг жалб этилмоқда. Шу тариқа жамиятимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти тубдан кучайди.

Биринчидан, ушбу соҳада мамлакат Президенти ва Ҳукуматининг 200 дан зиёд ҳужжати, бир қанча миллий стратегия, концепция ва дастурлар ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Хусусан, қасаба уюшмалар, волонтерлик фаолияти, аёлларни таъқиб ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, аёллар ва эркекларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини кафолатлаш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги ниҳоятда муҳим қонунлар қабул қилинди ҳамда ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди. Натижада, бугунги кунда:

• **яратилаётган қулай шароитлар натижасида фуқаролар ҳуқуқини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳаларда қарийб 10 мингта** нодавлат

нотижорат ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда, уларда 70 мингта яқин инсонлар меҳнат қилмоқда.

• **хусусан, ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 652 та, ёшлар йўналишида 650 та, ҳуқуқий-демократик институтларни ривожлантириш соҳасида 839 та, маданият, тарих ва маърифат йўналишида 564 та ННТ мавжуд.**

Учинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ўз тадбирларини ўтказишда адлия органининг рухсатини олиш талаби бекор қилиниб, **хабарнома шаклига** ўтказилди, уларнинг фаолият эркинлиги янада мустаҳкамланди.

Тўртинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини мажбурий тарзда **Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишиш** амалиёти ҳамда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари мажлисларида** Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакили – Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси иштирок этиши жорий этилди.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти институтлари ислохотларнинг энг яқин ҳамқорига айланиб, ҳар йили қабул қилинадиган **Давлат дастурларининг 350 та банди ижросида нодавлат нотижорат ташкилотлар бевосита иштирок этмоқда.**

Олтинчидан, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланиши белгиланди.

Халқ ҳокимиятчилиги ва давлат бошқарувида ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш – кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ва масъул ходим ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати

остида эканини чуқур ҳис этиши жамият ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги сўнгги йилда тамомилан янги марраларни забт этди. Янги Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-, 75- ва 76-, **78-, 80-сессияларида, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши**нинг 46-сессиясида нутқ сўзлади.

Жаҳоннинг олий минбарларидан янграган ушбу мурожаатлар асосида Ўзбекистон Президенти **100** дан ортиқ ташаббусни илгари сурди. Бу ташаббуслар асосан халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризм, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва бошқа муҳим соҳаларга тааллуқлидир.

Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази ва фуқаролик жамияти институтлари

Фуқаролик жамияти институтлари бугунги кунда жамият ҳаётининг турли соҳаларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ўтказилаётган ислохотларни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватламоқда.

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистоннинг даврий маърузаларини, миллий ҳаракатлар режалари лойиҳаларини тайёрлашда фуқаролик жамияти институтлари жалб этилмоқда (*Хусусан, бугунги кунга қадар, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига Ўзбекистон Республикасининг 50 га яқин миллий маърузаси тақдим этилди, шунингдек, уларнинг тавсияларини амалга ошириш мақсадида ҳозирги кунда 7 та Миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинган ва ижро этилмоқда*);

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан

Ўзбекистоннинг миллий ҳаракатлар режаларининг бажарилишини мониторинг қилишда ҳамкорлик қилинмоқда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари қоидаларининг жойлардаги ижросини ўрганиш бўйича фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган (*шу жумладан, 2024-2025 йилларда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси нормаларини амалга оширилиши бўйича 3 та мониторинг, БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормаларини амалга оширилиши бўйича 1 та мониторинг, “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” ва “Бола ҳуқуқлари” ўқув курсларини ўқитиш сифати бўйича 6 та мониторинг ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича 2 та мониторинг ўтказилди*);

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари бажарилиши юзасидан фуқаролик жамияти институтлари иштирокида семинар-тренинглар ташкил этилмоқда (*марказ 2024-2025 йилларда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда 15 та тадбир ташкил этди, шу жумладан 2025 йил 30 апрель куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган Миллий стратегияси лойиҳаси юзасидан ўтказилган миллий маслаҳатлашувда ҳам Миллий марказ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда фуқаролик жамияти институти вакиллари ўзларининг тақлифлари билан фаол иштирок этдилар, Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ҳамкорлик меморандумлари имзоланмоқда. 2025 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон нота-риал палатаси ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум доирасида фаол ҳамкорлик амалга оширилмоқда*).

Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори,
академик

ИСЛОҲОТЛАР ФАЛСАФАСИ:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ЦИВИЛИЗАЦИОН ЙЎЛИ

«1 Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғояси нафақат миллий тараққиёт стратегияси, балки инсониятни ҳамкорликка, тинчлик ва мулоқотга чорлайдиган умуминсоний тамойилларга таянган янги цивилизация қараш сифатида намоён бўлмоқда.

Муаллифнинг «янги давр тасодифан бошланмайди, у аввало шууримизда уйғониб, ҳаётимизда намоён бўлади» деган фикри ҳам ўринлидир. Чунки ҳар қандай ҳақиқий ислоҳот, аввало, онгда бошланади, унинг қиймати эса амалий натижалар — инсон ҳаётидаги аниқ ўзгаришлар билан ўлчанади. Шу боис, бугунги кун учун асосий масала — Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фалсафий моҳиятини эмас, балки уларнинг ҳаётдаги ифодаси, жамият ва оила фаровонлигидаги амалий самарасини кенг ёритишдан иборат.

Ислоҳот — қоғоздаги режа ёки шиор эмас. Ислоҳот фақат инсон ҳаётида сезилганда, оила даромадининг ошишида, таълим сифатидаги яхшиланишда, маҳаллада муаммоларнинг амалда ҳал этилишида ва фуқаролар адолатни ҳис этганидагина ҳақиқий мазмунга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, бугунги Ўзбекистонда кечаётган янгиланиш жараёнлари бир-бирини тўлдирувчи муҳим тамойиллар билан уйғунлашмоқда.

Биринчидан, «Давлат — халқ учун» тамойили давлат бошқарувининг янги мазмунини белгилаб берди. Фуқароларнинг мурожаатларига тезкор ва одилона жавоб бериш, хизматларни соддалаштириш, идоралар масъулиятини ошириш — бугунги ислоҳотлар амалдаги энг муҳим йўналишларидан биридир.

Иккинчидан, «Инсон қадри — энг олий мезон» деган ғоя ижтимоий сиёсатнинг юрагига айланди. Эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, манзилли ёрдам, тенг имконият ва адолатли ижтимоий муҳитни шакллантириш —

фаровон жамиятнинг негизидир.

Учинчидан, тараққиёт пойдевори сифатида илм-фан ва маърифатга таяниш янги босқичга кўтарилди. Таълимга инвестицияларни ошириш, замонавий кадрлар тайёрлаш, инновацион ташаббусларни рағбатлантириш — рақобатбардош давлат куришнинг асосий шартларидандир.

Тўртинчидан, очиклик ва мулоқотга асосланган ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаолиятига уйғунлик ва ишонч бағишламоқда. Ишонч дипломатияси, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, гуманитар алоқаларнинг фаоллашуви мамлакатимизнинг глобал нуфузини янада мустаҳкамламоқда.

Муаллиф таъкидлаганидек, тараққиёт ҳар қандай давр ва жамиятда билим ва тафаккур маҳсули бўлган. Бугунги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида ҳам ана шу ҳақиқат яққол кўринади: билимли инсон — кучли жамият, маърифатли миллат — барқарор давлат демакдир.

Ривожланган жамиятнинг энг муҳим белгиси — инсон капиталидир. Инсон капитали эса аввало оилада шаклланади: тарбияда, таълимда, болага берилган эътибор ва имкониятларда ўз ифодасини топади. Шу боис оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, фарзандларни соғлом ва билимли авлод сифатида камолга етказиш — давлат сиёсатининг устувор ва стратегик йўналишига айланди.

Хотин-қизлар масаласи бугун алоҳида ижтимоий йўналиш сифатида эмас, балки миллий тараққиётнинг юраги, жамият барқарорлигининг асосий таянчи сифатида қаралмоқда. Чунки хотин-қизларнинг таълим олиши, касбий ўсиши ва меҳнат бозоридаги иштироки кенгайган сари, аввало, оила фаровонлиги ошади. Фаровон оила эса бола тарбияси, маънавий муҳитнинг соғломлиги ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлайди. Барқарорлик эса ўзига хос равишда иқтисодий ўсиш,

ишончли инвестиция муҳити ва мамлакатнинг умумий ривожланиш динамикасига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу боис хотин-қизлар салоҳиятини ривожлантириш ва уларнинг ҳаётнинг барча соҳаларидаги фаол иштирокини таъминлаш — бугунги кун ислоҳотларининг ажралмас қисми, мамлакатнинг рақобатбардошлигини белгилайдиган стратегик омил сифатида қаралмоқда.

Сир эмас, сўнгги йилларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини ошириш, тадбиркорликка жалб қилиш, касб-хунарга ўқитиш, ҳуқуқий ва психологик кўмакни ташкил этишга қаратилган ишлар мамлакат микёсида тизимли ва институционал характер касб этди. Бу йўналишдаги энг муҳим жиҳат — ёндашувнинг «умумий» эмас, балки манзилли бўлиши, яъни ҳар бир аёлнинг ҳаётий шароити, эҳтиёжи ва салоҳиятидан келиб чиқиб индивидуал ечимлар таклиф этилаётганидир.

Муаллиф мазкур асарида «ишонч адоватни енгади» деган ҳаётий ғояни илгари суради. Ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан бу фикр шундан далолат берадики: хотин-қизларга нисбатан ишонч, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва оила институтига эҳтиёткорлик билан ёндашиш жамиятда барқарорликни мустаҳкамлайди, тараққиётга ишонч уйғотади. Хотин-қизларнинг фаоллиги ортиб борган сари, жамиятнинг интеллектуал ва иқтисодий салоҳияти ҳам ошиб боради.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий белгиси — очиклик, фаол мулоқот ва ишончга асосланган муносабатлардир. Бугунги глобаллашган дунёда тараққиётга эришиш учун давлатлар ўзаро боғлиқликда ҳаракат қилиши, ишонч муҳитини яратиши ва умумий манфаатлар атрофида ҳамкорликни кенгайтириши зарур.

Бугун «янги цивилизация парадигмаси» деганда биз, аввало, инсон манфаатини марказга қўядиган, билим ва маърифатни

устувор деб биладиган, ҳамкорлик ва мулоқотни қадрият сифатида қабул қиладиган тараққиёт моделини тушунамиз.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари бир мақсад — мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва миллий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш, гуманитар ва маданий мулоқотни ривожлантириш, шунингдек, глобал ташаббусларда фаол иштирок этиш — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатини белгилаб берувчи муҳим йўналишлардир.

Муаллиф таъкидлаган «ҳамкорлик зиддиятларни енгади» деган ғоя бугун амалда ҳам ўз исботини топмоқда: ҳамкорлик — иқтисодий ўсишни тезлаштиради, гуманитар алоқалар эса жамиятлар ўртасида ишонч кўпригини барпо этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар қандай ғоянинг ҳақиқий қиймати унинг ҳаётга самарали татбиқ этилгани билан ўлчанади. Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчил равишда ғоядан амалиётга, сўздан аниқ натижага айланиб бормоқда. Инсон кадрини улуғлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар учун кенг имкониятлар яратиш, илм-маърифатни тараққиётнинг асосий устунига айлантириш, мамлакатни очик, динамик ва рақобатбардош давлат сифатида ривожлантиришдан иборат.

Бу йўл халқимизнинг асрий орзу-умидлари, юртимиз келажаги ва авлодлар тақдири билан чамбарчас боғлиқ бўлган стратегик танловдир. Юксак марраларни кўзлаётган Янги Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлидир.

Зулайхо МАҲКАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари
– Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси

Яшил молия: ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНГИ КУЧ-МАНБАИ



«1 Ўзбекистон ҳам бу соҳада сўнгги йилларда жиддий қадамлар ташлади. Мамлакатимиз яхши билганингиздек, 2018 йилда Париж келишувини ратификация қилди, 2023 йилда эса илк марта халқаро бозорда яшил еврооблигациялар жойлаштирди. Бу – Ўзбекистоннинг экологик йўналтирилган молиявий инструментларга очиклиги ва халқаро миқёсдаги ишончининг белгиси ҳисобланади.

Яшил иқтисодиётга ўтиш – нафақат экологик эҳтиёж, балки иқтисодий имконият ҳамдир. Чунки тоза энергия, замонавий инфратузилма, чиқиндиларни қайта ишлаш, сув ресурсларини тежаш кадрлар, технологиялар ва янги бозорларни талаб қилади. Буларнинг барчаси иқтисодиёт учун янги иш ўринлари, инвестиция оқими ва юқори технологик ўсишни таъминлайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича ишлар изчил давом этмоқда. Бу жараён нафақат экологик соҳага, балки бутун миллий иқтисодиётнинг ўсиши ва модернизациясига кучли туртки беради. Яшил молиялаштириш тизими мамлакатимизда қисқа вақт ичида босқичма-босқич шаклланиб бораётган бўлиб, бугунги кунда у жаҳон тенденцияларига мос равишда кенгайиб бормоқда.

1-босқич (2018–2020 й.) – халқаро стандартларга қадам.

Бу даврда Ўзбекистон экологик сиёсатнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини яратди. Аниқроғи, Париж келишувини ратификация қилинди, “Яшил иқтисодиётга ўтиш” концепцияси тасдиқланди, энергия самарадорлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид янги қонунлар қабул қилинди. Бу босқич мамлакатни халқаро экологик майдонга олиб чиқди.

2-босқич (2021–2023 й.) – молиявий инструментлар амалиётга кирди.

Ушбу даврда Ўзбекистонда яшил молиялаштиришнинг амалий механизми шаклланди. Жумладан, илк марта яшил давлат еврооблигациялари чиқарилди, яшил кредитлар, лизинг ва грантлар механизми ишга тушди, қайта тикланувчи энергия лойиҳалари тезкор ривожланди.

Натижада энергетика, саноат ва инфратузилма соҳаларида янги экологик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

3-босқич (2024–2025 й.) – халқаро интеграция ва янги ҳамкорликлар бўлиб, бу даврда Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиёт соҳасидаги мақсадлари янада кенгайди. Ушбу босқичда асосий йўналишлар ЕБРР, Жаҳон банки, ОТБ билан йирик қўшма лойиҳалар, яшил молиялаштириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ESG ва Европа Иттифоқининг “EU Taxonomy” стандартларига мослашиш. Бу жараён мамлакат иқтисодиёти учун янги инвестиция манбалари ва янги технологияларни жалб қилиш имконини яратмоқда.

Ўзбекистондаги кўплаб йирик экологик лойиҳалар халқаро институтларнинг қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилмоқда. Улар орасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР) мамлакатда

Институционал хатарлар эса лойиҳаларни баҳолаш стандартлари ҳали тўлиқ шаклланиб бормоқда, ESG ҳисоби бўйича мутахассислар етишмаслиги, банкиларда яшил кредитларга эҳтиёткор муносабат бўлганлиги билан юзага келиши мумкин. Ижтимоий хатарлар ҳам таъсир қилиши мумкин, бунда аҳоли ва тадбиркорлар орасида яшил маданият пастлиги, технологик ўзгаришларга мослаша олмаслик, эски иш ўринларининг қисқаришига мос янги касбларга эҳтиёж пайдо бўлиши билан намоён бўлади.

Яшил иқтисодиёт нафақат табиати, балки одамлар ҳаёти сифати ва иқтисодий барқарорликни ҳам яхшилайдди.

Яшил иқтисодиёт – бу энергия харажатларининг камайиши, юқори технологик ва барқарор иш

Жаҳон банки ва Яшил климат фонди (GCF) сув ресурсларини бошқариш, қишлоқ хўжалигида иқлимга чидамли технологиялар, энергия самарадорлигини ошириш каби лойиҳаларни қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳамкорлик Ўзбекистонга замонавий технологиялар, тажриба ва молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини яратмоқда.

146 та лойиҳани молиялаштирган бўлиб, жалб этилган маблағ 4,46 млрд еврони ташкил этади, бунда, асосий йўналишлари тоза энергия, сув таъминоти, чиқиндиларни қайта ишлаш, транспортда углерод чиқиндиларини камайтириш.

Жаҳон банки ва Яшил климат фонди (GCF) сув ресурсларини бошқариш, қишлоқ хўжалигида иқлимга чидамли технологиялар, энергия самарадорлигини ошириш каби лойиҳаларни қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳамкорлик Ўзбекистонга замонавий технологиялар, тажриба ва молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини яратмоқда.

Ҳар қандай ислохот каби, яшил молиялаштириш ҳам айрим хатарлар билан бирга келади.

Иқтисодий хатарлар, бунда яшил лойиҳаларнинг қимматлиги, хусусий секторнинг тайёр эмаслиги ва инвестицияларнинг узок муддатда қайтиш эҳтимоли.

ўринлари, экспорт имкониятларининг кенгайиши, инвестициявий жозибдорликнинг ошиши ва экологик соғлом муҳит билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар жамланмасига айтилади.

Ўзбекистон учун бу – иқтисодиётнинг янги ўсиш нуқтаси, инновация ва глобал бозорлар билан рақобат қила оладиган янги моделдир.

Ўзбекистон яшил молиялаштиришни жадал ривожлантираётган Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бирига айланиб бормоқда. Халқаро ҳамкорлик, миллий ислохотлар, янги молиявий инструментлар ва экологик маданиятнинг ошиши мамлакатнинг экологик барқарор ва рақобатбардош иқтисодиёти учун катта имкониятлар очмоқда.

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш сиёсати сўнгги йилларда давлат ислохотларининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Жаҳон иқтисодиётида 2025 йилга келиб экологик барқарорлик, карбон изини қисқартириш ва ESG стандартлари барча мамлакатлар учун стратегик талаб сифатида кун тартибига чиқди. Бундай шароитда яшил молиялаштириш институтлари ва молиявий инструментлар миллий иқтисодиёт барқарор ўсишининг асосий драйверларидан бирига айланиб бормоқда.

Аниқ афзалликларига қарамасдан, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш маълум талаблар ва рискларни ҳам юзага келтиради. Энг муҳим масалалардан бири – маблағлар ажратилишидаги қатъий шартлар, кенг қамровли ҳисоботлар, лойиҳалар бўйича шаффофлик ва қатъий назорат. Бу, ўз навбатида, маҳаллий давлат органлари ва компаниялардан юқори даражадаги малака, лойиҳаменежмент ва бошқарув самарадорлигини талаб қилади.

Шу билан бирга, халқаро институтлар – Европанинг тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР), Жаҳон банки, Яшил климат фонди (GCF) каби билан ҳамкорлик Ўзбекистонга кенг имкониятлар яратмоқда. Айниқса, 2024–2025 йилларда глобал иқтисодиётда энергия самарадорлиги ва яшил технологияларга талабнинг ўсиши мамлакат учун янги инвестицияларни жалб қилиш имконини янада оширди.

2024 йил кузида Бокуда бўлиб ўтган COP29 анжуманида ЕБРР томонидан Ўзбекистонга 200 миллион доллар миқдордаги яшил молиялаштириш дастурини кредитлаш бўйича музокаралар шунинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистонда яшил молия тарғиботи ва экологик лойиҳаларни амалга оширишда бир қатор миллий давлат органлари Энергетика вазирлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги фаол иштирок этмоқда. Улар барқарор ривожланиш стратегиясини амалга ошириш, халқаро донорлар билан ҳамкорлик қилиш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва лойиҳаларнинг самарали бажарилишини назорат қилиш учун масъул.

Айнан ушбу вазирликлар ташаббуси билан 2019 йил 4 октябрда Президентнинг ПФ-4477-сон қарори қабул қилиниб, “2019–2030 йилларда Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси” тасдиқланди. Бу ҳужжат мамлакатнинг экологик ва

Мамлакатимизда 8 декабрь ҳар йили халқимиз орзу-интилишлари ва умуммиллий қадриятлари мужассамлашган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган сана сифатида кенг нишонланади. Айниқса, охириги уч йилда мазкур байрам янада юкори руҳда ўтмоқда, чунки ана шу кунда фуқароларимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш ғоясини ўзида акс эттирган, жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини ҳисобга олган янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинганлигини нишонлаб келишмоқда.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



Эътиборлиси конституциявий ислохотлар асносида халқимизнинг кўп йиллик орзу-умид ва истаклари конституциявий норма сифатида ўз аксини топди. Хусусан, сўнгги йилларда эришган ютуқларимиз, жумладан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги юзлаб чекловларнинг олиб ташлангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммоларнинг ҳал қилингани ва бошқа ижобий ҳаракатлар ортга қайтмаслигининг конституциявий ҳимояси таъминланди.

Шу билан бирга, конституциявий ислохот давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги ёндашувни ва фаолият тамойилларини тубдан ўзгартиришга, Янги Ўзбекистонда ўзаро муносабатларнинг асоси сифатида “давлат-жамият-инсон” тамойили ўрнига “инсон-жамият-давлат” ғоясини асос қилиб олинишига сабаб бўлди.

Қолаверса, тарихимизда илк бор Ўзбекистон – ижтимоий давлат, деб белгиланди. Яъни, инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциянинг 43-моддасида камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан

ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятларни олиши белгиланди. Умуман давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар 3 баробарга кўпайди.

Хусусан, Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Ушбу йўналишдаги ўзгаришлар яқин тарихимизда “снос”лар билан боғлиқ рўй берган салбий ҳолатларни тўлақонли бартараф этишга хизмат қилди. Конституциянинг 47-моддасида ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши қафолатлаб қўйилди.

Шунингдек, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормаларнинг ҳам 4 баробарга кўпайганлиги аҳоли соғлигини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар

таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қолаверса, аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти сифатида Конституцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳам аниқ норма белгилаб қўйилди.

Янгилашган Конституциямиздаги ижтимоий йўналишдаги ўзгаришларни албатта таълим тизимисиз тасаввур этиб бўлмади. Конституцияда таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилиб, илк бор ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлди. Ногиронлиги бор бола-жонларимизга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун инклюзив таълим Конституцияга киритилди. Бу шундай нуксонларга эга болаларимизнинг яққаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун муҳим қафолатдир.

Киритилган янги нормалар сабаб, давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтирилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Конституция 1992 йилда қабул қилинганидан буён унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг деярли барчаси асосан давлат ва жамият

қурилиши, жумладан Президент, Парламент, Ҳукумат фаолияти, сайлов тизими ва бошқаларга тааллуқли бўлган бўлса, янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган нормаларнинг ярмидан кўпи инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қафолатларини кучайтиришга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Хусусан, Бош қомусимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади сифатида белгиланди. Инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 бараварга кўпайди. Қонунлардаги зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт эканлиги белгиланди. Бу инсон ва давлат ўртасида муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар, турли тушунмовчиликларни бартараф этиб фуқароларни ортиқча сарсонгарчиликдан қутқаради.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий юридик кучга эга бўлиб, бутун мамлакат бўйлаб тўғридан-тўғри амал қилади. Бу эса ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилиш имконини беради.

Нилуфархон САИДҒАЗИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди Девон
раҳбари

«4 иқтисодий трансформациясини белгилаб берувчи асосий платформалардан бири бўлди.

Мамлакатда яшил молиялаштиришни жадал ривожлантиришда банклар алоҳида ўрин тутди. Айниқса, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Миллий банк” томонидан экологик лойиҳалар учун имтиёзли кредитлар ажратилишининг кенгайтириши муҳим аҳамиятга эга.

2021 йилда ЕБРР билан келишув асосида “Ўзсаноатқурилишбанк” Green Economy Financing Facility (GEFF) механизмига қўшилди. Дастур доирасида банкка 25 миллион долларгача кредит линияси ажратилди. Бу маблағлар куёш панеллари ўрнатиш, энергия тежовчи технологиялар харид қилиш ва кичик бизнеснинг экологияга оид лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонда тижорат

банклари томонидан аҳоли ва бизнес учун 1 триллион сўмдан ортиқ яшил кредитлар ажратилгани қайд этилди. Унинг:

- 700 млрд сўми – бизнес лойиҳаларига
- 300 млрд сўми – аҳоли учун энергия тежовчи ускуналар харидига йўналтирилди.

Яшил молиялаштириш истиқболлари катта бўлишига қарамай, тизимда қатор муаммолар мавжуд:

1. Норматив базанинг етарли даражада шаклланмагани. ESG стандартлари (бу компаниялар ва ташкилотларнинг экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув соҳаларидаги масъулиятини баҳолашга қаратилган халқаро талаблар мажмуасидир) бўйича тўлиқ қонунчилик ҳали мавжуд эмас.

2. Аҳолининг хабардорлиги паст. Кўпчилик аҳоли ва тадбиркорлар яшил молиянинг фойдасини тўлиқ англамайди.

3. Малакали мутахассислар

етишмаслиги. Экологик иқтисод, ESG аудит, яшил кредитлаш соҳасида кадрларни тайёрлаш талаб юкори, ESG стандартларини миллий қонунчиликка интеграция қилиш, Яшил молиялаштиришни қўллаб-қувватловчи регулятор механизмларини яратиш, халқаро грантлар ва техник ёрдамни фаол жалб этиш, ЕТТБ, Жаҳон банки ва бошқа донорлар билан қўшма лойиҳаларни кенгайтириш, яшил молия бўйича мутахассислар тайёрлаш марказларини очиш ва банк секторида яшил кредитлар улушини кўпайтириш.

Бу чоралар Ўзбекистоннинг 2030 йилгача янгилашган ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадларга тўла мос келади. 2025 йилга келиб дунё иқтисодиётида карбон нейтраллик, энергия самарадорлиги ва ESG инвестициялари бўйича рақобат кучаймоқда. Ўзбекистон ушбу жараёнда фаол иштирок этаётган, Марказий Оси-

ёда яшил молиялаштириш бўйича етакчи мамлакатга айланиш имкониятига эга.

Мамлакатдаги институционал ўзгаришлар, халқаро ҳамкорлик ва молия бозорларига чиқиш бўйича сўнгги йиллардаги ютуқлар бу йўлда мустаҳкам пойдевор яратади. Ўзбекистонда яшил молиялаштириш институтлари ва инструментлари шаклланиб бормоқда ва бу жараён мамлакатнинг барқарор ривожланиш стратегиясида асосий ўринни эгаллайди. Халқаро ҳамкорлик ва ички ислохотлар туфайли Ўзбекистон яқин йилларда Марказий Осиёда экологик барқарор иқтисодиётга ўтиш бўйича етакчи давлатлардан бирига айланиши мумкин.

Наргиза ЖИЯНОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети “Молия ва
молиявий технологиялар”
кафедраси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори

ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

Бугунги замон — чегаралар кўринмас, маълумот бир сонияда китъаларни айланадиган, билимлар тез эскирадиган, янги имкониятлар эса хорижий тиллар эшиги орқали очиладиган давр ҳисобланади. Миллат тараққиёти, давлат рақобатбардошлиги ва жамиятнинг интеллектуал қудрати эндиликда фақат ички ресурслар билан эмас, балки жаҳон майдонида тўғридан-тўғри иштирок этиш қобилияти билан белгиланмоқда. Шунинг учун ҳам чет тилларини, айниқса инглиз тилини билиш қўшимча кўникма эмас, балки XXI асрдаги асосий “имкониятлар калити”га айланиб улгурди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда Президент ташаббуси орқали мактабдан тортиб олий таълимгача, давлат хизматидан тортиб хусусий секторгача тил ўрганиш ва ўқитиш жараёни бутунлай янгича босқичга кўтарилди. Бу жараён нафақат таълим соҳасини, балки мамлакатнинг глобал интеграциясини ҳам жадаллаштириб, келажак авлод учун катта имкониятлар очиб бермоқда.

“Тил билган — эл билади”ми?

Ўзбекистонда кейинги бир неча йил ичида тил ўрганиш оммавий ҳаракатга айланди. Бу соҳадаги энг катта ўзгариш хорижий тилларни ўрганишга бўлган ижтимоий талабнинг кескин ошганидир.

“Тил билган — эл билади” деган ғоя халқ орасида янги маънода янграмоқда: тил фақат таржимонлик учун эмас, балки глобал майдонда ўз сўзини айта олиш, таълим, илмий изланиш, технология, бизнес ва маданиятлар алмашинувида иштирок этиш имконияти сифатида қабул қилинмоқда.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қарорлар чет тилларини ўқитишни бутунлай янги тизимга айлантирди. Бугунги кунда Ўзбекистонда нафақат инглиз тили, балки бошқа хорижий тилларни ўрганиш кенг қўллаб-қувватланмоқда:

- хорижий тил бўйича А2 ва ундан юқори сертификати бўлган мактаб битирувчилари техникум, коллеж ва лицейларга ўқишга киришда чет тили фани бўйича тестдан озод қилинади ва максимал балл берилади.

- “Ёшлар дафтари”га киритилган хорижий тил ўрганмоқчи бўлган ёшларга 6 ойгача курсга қатнаши ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача пул берилади.

- хорижий тиллар бўйича камида С1 сертификатини олган 30 ёшгача бўлган ёшларнинг тестга кириш учун тўлаган пуллари давлат ҳисобидан қайтариб берилади.

- хорижий тиллар бўйича В2 ёки ундан юқори даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган абитуриентлар тестдан озод қилинади ва уларга максимал балл берилади.

- таълим муассасаларининг камида С1 даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга хорижий тиллар ўқитувчиларига ҳар ойлик

50 фоиз қўшимча устама тўланади. Камида С1 сертификатини олган ўқитувчиларнинг тестга кириш учун тўлаган пуллари давлат ҳисобидан қайтариб берилади ва улар аттестациядан озод қилинади.

- миллий ва халқаро сертификатга эга давлат хизматчилари лавозим маошига 20 фоизгача қўшимча устама тўланади.

- оммавий ахборот воситаларида камида 1 йил асосий иши сифатида ишлаб келаётган журналистлар ва таҳририят ходимлари хорижий тиллар бўйича В2 ва ундан юқори натижани олса уларга икки турдаги имтиёз: хорижий тилни ўрганиш харажатлари учун БҲМнинг 15 бараваригача пул берилади ва имтиҳон топшириш учун тўланган пуллар тўлиқ қоплаб берилади.

- кишлок ҳудудларида хорижий тилларни ўқитишни ташкил этиш учун тадбиркорларга 50 млн сўмгача маҳаллий бюджетдан бир марталик субсидия берилади.

Бугунги кунга қадар халқаро имтиҳон тизимларидан юқори балл тўлаган ёшларга 80 млрд 42 млн сўм маблағ ажратиш орқали 42 779 нафар ёшларнинг имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ қоплаб берилган. Албатта, бу каби яратилган имкониятлар ва берилган имтиёзлар ўз натижасини бермай қолмайди.

Хусусан, 2024-йилда биргина IELTS имтиҳонидан 5,5 ва ундан юқори балл олган ёшлар сони 2020-йилга нисбатан 5 бараварга, 7–8 балл (С1 даража)ни қўлга киритганлар 7,4 бараварга, 8,5–9 балл (С2 даража) га эришганлар эса 23,7 бараварга ошганлиги кузатилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хорижий тилларни ўрганиш шунчаки таълим соҳасидаги ислохот эмас, балки жамият миқёсидаги катта ижтимоий ҳаракатга айланди. Тил ўрганишга бўлган талабнинг кескин ўсиши мамлакатнинг глобал майдонга чиқиш истаги ва янги авлоднинг дунё билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишга бўлган интилиши билан уйғунлашди.

Давлат томонидан жорий этилган кенг қамровли имтиёзлар тилни миллий ривожланишнинг стратегик драйвери сифатида кўрилатганини намоён қилади.

Бу чоралар натижасида тил ўрганиш фақат шахсий ривожланиш эмас, балки иқтисодий фойда, таълимга йўл, касбий ўсиш ва глобал



рақобатда ишончли пойдеворга айланди.

Дунё иқтисодиёти, айниқса рақамли иқтисод, аутсорсинг хизматлари, ИТ, илмий-тадқиқот, стартаплар, халқаро бизнес муносабатларида хорижий тилларни айниқса инглиз тилини билишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистоннинг 2030-йилгача бўлган стратегик йўналишларида ташқи бозорларга чиқиш, инвестиция ва технология жалб этиш, халқаро кооперацияни кучайтириш каби вазифалар бор. Бу вазифаларни амалга ошириш учун:

- чет эл манбалари билан бевосита ишлайдиган мутахассислар,
- халқаро тадқиқотларда иштирок эта оладиган олимлар,

- дунё бозорига чиқишни мақсад қилган тадбиркорлар,

- глобал муомаладан кўрқмайдиган ёшларга эҳтиёж бор. Бунинг асосий шарти эса чет тилларини эгаллаш ҳисобланади.

Замонавий дунёда хорижий тиллар хорижий манбалар ва ахборотларга тўғридан-тўғри кириш имконини берадиган ва маълумотлар эшигини очадиган “калит” сифатида тарифланмоқда.

Илмий мақолаларнинг 80 фоизи инглиз тилида эълон қилинади. Инновация, фан ва техника соҳасидаги глобал билимлар асосан инглиз тилида тарқалади. Тошкентда ўтирган ва инглиз тилини ўзлаштирган бир талаба MIT, Harvard, Oxford, Seoul National University ёки Tokyo University’нинг очиқ дарсларидан бевосита фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Тил билиш талаба ва олимни таржималарга боғлиқликдан халос қилади ва мустақил фикрлаш маданиятини мустаҳкамлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда чет тилларини ўрганишни янада чуқурроқ тарғиб қилиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва мавжуд имкониятлар базасини кучайтириш мақсада қуйидагилар таклиф этилади:

1. Мактабларнинг методик базасини янада кучайтириб бориш. Бун-

да, замонавий аудиовизуал ресурсларни доимий равишда янгилаш, ўқитувчилар учун халқаро тренингларни мунтазам ташкил этиш ҳамда ҳар бир мактабда мультимедиа шароитларини жорий этиш;

2. Халқаро имтиҳон марказларини кенгайтириш, яъни чет тилларни ўзлаштиришда имтиҳон тизимининг шаффоф ва оммабоплиги муҳим ҳамиятга эга ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан барча ҳудудларда IELTS, TOEFL ва CEFR марказларини кўпайтиришга эътибор қаратиш;

3. Таълимда билиш эмас, қўллаш маданиятини кучайтириш. Бунда, фанлар бўйича инглиз тилида семинарлар, халқаро онлайн курслар билан интеграция қилинадиган дарслар ҳамда профессор-ўқитувчилар учун минимал тил талабларини босқичма-босқич ошириб бориш;

4. Ёшларнинг тил ўрганишга бўлган иштиёқини кучайтириш. Бунда халқаро танловлар, дебатлар, олимпиадаларда ёшларнинг иштирокни қўллаб-қувватлаш, тил ўрганувчи ёшлар учун грантларни кўпайтириш тавсия этилади.

Ўзбекистонда чет тилларини, айниқса инглиз тилини ўрганиш жараёни сўнгги йилларда миллий ривожланишнинг асосий стратегик йўналишларидан бирига айланди.

Статистик маълумотлар ҳам ушбу сиёсатнинг амалий самарасини ёрқин намоён қилмоқда: IELTSда юқори натижа кўрсатган ёшлар сони 3–4 йил ичида бир неча бараварга ошди, айниқса С1 ва С2 даражалар бўйича кўрсаткичлар кескин ўсди. Бу эса мамлакатда тил ўрганиш маданияти чуқурлашиб, янги авлоднинг глобал рақобатга тайёрлик даражаси ортиб бораётганини англатади.

Ҳозирги замонда хорижий тиллар билимга, технологияга, фанга, инновацияга олиб боровчи асосий кўприк вазифасини бажармоқда. Илмий тадқиқотлар, стартап экотими, рақамли хизматлар, халқаро бизнес ва рақобатчилик муҳити — барчаси тил билишни зарурат даражасига кўтарди. Мана шу шароитда Ўзбекистоннинг чет тилларини ўрганиш бўйича қабул қилган давлат сиёсати мамлакатнинг 2030-йилгача белгиланган стратегик мақсадлари билан тўлиқ уйғун ҳолда ривожланмоқда.

Лобар БУРАНОВА,
Тошкент шаҳридаги
50-мактабнинг инглиз тили
ўқитувчиси



Қадимий қудрат

Инсоният тарихида шунча фанлар яратилдики, улар орасида юлдузларни ҳам, денгиз тубини ҳам, инсон онгини ҳам ўрганувчи соҳалар бор. Аммо шундай бир қудрат борки, у ҳеч қачон эскирмайди, ҳар бир даврда ўз заруриятини йўқотмайди. Бу қудрат тарбиядир. Тарбия инсонни “инсон” сифатида шакллантиради, унинг ички дунёсини поклайди, руҳини юксалтиради.

Тарбия инсоннинг ички чироғидир. Бу чироқ келажакда қайси йўлдан юришни, ким бўлишни, қандай яшашни кўрсатиб туради. Билим – бу инсоннинг елкасидаги юк бўлса, тарбия – шу юкни енгил кўтаришга ёрдам беради.

Билим – ақлни, тарбия – қалбни ўстиради. Бундан аёнки, билим ва тарбия бирдек ривожланаётган жойда комил инсон шаклланади.

Оила – тарбиянинг биринчи мактаби. Бола дунёга келганида ҳаёт билан бирга оила номли энг катта мактабга келади. У ерда меҳрли, сабрли, одобли бўлишни, катта-ю кичикка нисбатан ҳурматда бўлишни ўрганади. Ота-она бу мактабнинг ягона устозлари. Яхши оила – фарзанднинг энг ишончли пойдевори, яхши тарбия эса унинг энг муштаҳкам қалъасидир.

Тарбияда энг кучли усул – ибрат, яъни намуна бўлиш усулидир. Бола биз

айтган нарсани эмас, биз қилган нарсаларни такрорлайди. Агар биз китоб ўқисак – у ҳам китоб ўқийди. Агар биз одоб билан гаплашсак – у ҳам одобли бўлади. Агар биз ҳалол бўлсак – у ҳам ҳалол бўлишни хоҳлайди. Фарзанд учун яхши сўз – ўғит, яхши амал – ўртак. Ўртак эса ҳар қандай оғоҳликдан кучлироқ таъсир қилади.

Тарбия – жамиятнинг асосий пойдевори. Жамиятда меҳр, ҳурмат, адолат, поклик бўлиши – тарбияга боғлиқ. Яхши тарбия олган ёшлар жамиятни янада раванқ топтиради. Ёмон тарбия – жамиятнинг энг ёмон душмани. Шу сабабли, мактаб, маҳалла, ота-она, устоз тарбияси бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Тарбия – ягона дарахтнинг турли шохларидек, ҳаммаси яхлит бўлгандагина чиройли мевага келади.

Фарзандга энг катта мерос – яхши тарбия. Биз фарзандларимизга уй, ма-

шина, пул мерос қолдиришимиз мумкин. Аммо, буларнинг умри қисқа.

Аммо бир фазилат бор, унинг умри бутун умрга татигулик. У ҳам бўлса яхши тарбияланганлик фазилатидир. Тарбияли инсон ҳеч кимни ранжитмайди, ўзини ҳам бошқаларни ҳам бирдек қадрлайди, доимо адолатли бўлади, атрофдагиларига меҳрли бўлади, ҳар жойда иззат топади.

Тарбия ҳаётни чиройли қилади. Бу – меҳр билан бажариладиган ибодатдир. Яхши тарбия берилган фарзанд – ота-онанинг бахти. Яхши тарбияга эга ёшлар – жамиятнинг келажаги. Бунинг учун ҳар бир юртдошимиз тарбия масаласига бефарқ бўлмаслиги керак. Чунки бу давлат учун, балки келажакнинг бугуннинг энг улкан чироғидир.

Тарбия қайси уйга кирса – ўша уйни нурга тўлдиради.

Тарбия қайси юракка кўчса – ўша юракни яхшиликка элтади.

Тарбия қайси жамиятда кучайса – ўша жамиятнинг келажаги порлоқ бўлади.

Ойниса РАШИДОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтини ўқитувчиси

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1210
Адади: 1600
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Ўрмонлар гўзаллик ва даромад манбаи

Азал-азалдан ота-боболаримиз мевали ва манзарали дарахтлар экиб, юрт чиройига чирой қўшишган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этаяпти. Айниқса, иқлим ўзгариши шароитида ўрмонларнинг табиий биохилма-хиллигини сақлаш, химоя қилиш, сувларнинг тоза ва мусаффолигини таъминлаш, атмосфера ва иқлимни мўътадиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.



Бу борада Иштихон давлат ўрмон хўжалигида ҳам табиатни муҳофаза қилиш, ер ресурслари ва ўсимлик дунёсини химоялаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Йил давомида жами ўрмон барпо қилиш режаси 150 гектар этиб белгиланган бўлиб, бу ишларимиз 151 гектарга бажарилди. Шундан 131 гектар майдонда табиий ўрмонлар ва 20 гек-

тар майдонда маданий ўрмонлар барпо этилди.

Жорий йилда хўжаликда 15 гектар майдонда 1500 дона кўчатлар етиштирилди. Йил давомида 3500 килограмм ўрмон уруғлари тайёрланиб янгидан барпо этилган кўчатхоналарга экилди. Яшил макон умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. “Муротобод”, “Қиёт” маҳаллалари ҳудудидаги ўр-

мон фонди ерларида ҳозирги кунгача 16650 дона кўчатлар экилиб, яшиллик барпо этилди.

Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” чора-тадбирлари тўғрисидаги 140-сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, хўжалигимизда 40 гектар майдонда янги ўрмонзор яратилди. Шунингдек, “Менинг боғим” лойиҳаси асосида “Зарбанд” бўлимида янги боғ яратиш ишлари олиб борилмоқда. Ўрмончиларимиз олдида турган асосий вазифалардан бири албатта, махсулдор ўрмонлар барпо этиш, унинг дарахт таркиби ва сифатини яхшилаш, юқори ирсий хусусиятларга эга бўлган дарахт ва буталар уруғларини териш, мавжуд табиий ҳамда маданий ўрмонзорларни келажак авлодларга етказишдан иборат. Бир сўз билан айтганда, ўрмон хўжалиги ходимлари ислохотлар йўлидан бориб, ўлкамизни яшилликка буркаш орқали соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш йўлида ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шохрух МЎМИНОВ,
Иштихон давлат ўрмон хўжалиги
директори



Ташқи савдо:

ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бугунги дунёда иқтисодиётлар ўзаро кесишиб, давлатлар ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик тобора кучайиб бормоқда. Шундай шароитда ҳар бир мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсати унинг таракқиётини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан бирига айланди. Ўзбекистон ҳам глобал иқтисодий ўзгаришлар даврида ўзининг ташқи иқтисодий стратегиясини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Бундай сиёсат нафақат мамлакат манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя қилиш, балки жаҳон бозорлари билан самарали ҳамкорлик қилиш, экспорт ва импорт имкониятларини кенгайтириш, хорижий сармояларни жалб қилиш учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Нима учун бу мавзу айнан ҳозир долзарб?

Бугунги глобал иқтисодий шароитда ташқи иқтисодий сиёсатнинг аҳамияти бир неча муҳим омиллар билан изоҳланади.

Сўнгги йилларда дунёда турли давлатлар ўртасида кескинлик ортаётир, яъни санкциялар, савдо можаролари ва транспорт йўлакларидagi узилишлар бўлиб, буларнинг барчаси ташқи савдо ва инвестицияларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шундай шароитда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини диверсификация қилиш, янги бозорлар очиш ва хавфсиз савдо йўлакларини яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

COVID-19 пандемияси глобал иқтисодий тизимдаги заиф нуқталарни очиб берди, бунда етказиб бериш занжирлари издан чиқди, логистика қимматлашди ва баъзи маҳсулотлар бўйича дунёда танқислик юзага келди.

Ўзбекистон ҳам бу жараёнда иқтисодиётини тиклаш ва ташқи савдо механизмларини мустаҳкамлаш учун фаол чоралар кўрмоқда. 2025 йилда ташқи савдо айланмасининг ўсиши шунга далил бўла олади. Бугунги кунда рақамли технологиялар, сунъий интеллект, инновацияларга асосланган ишлаб чиқариш жаҳон иқтисодиётининг юрагини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам саноатни рақамлаштириш, IT хизматлар экспортни кенгайтириш ва инновацион технологияларни жорий этиш жадаллашмоқда, бу эса 2025 йил учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу жараён ташқи иқтисодий сиёсатга ҳам таъсир қилади. Масалан, юқори технологияли маҳсулотлар экспортини кўпайтириш, IT-бозорлар билан интеграцияни чуқурлаштириш ва рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожлантириш талаб этилмоқда.

Иқлим ўзгариши ва глобал экологик муаммолар иқтисодий сиёсатда алоҳида ўринга чиқди. Ўзбекистон

ҳам яшил энергетика (кўёш ва шамол станциялари), экологик стандартлар, ва “яшил” экспорт каби йўналишларда фаол ислохотларни амалга оширмоқда. Бу ташқи иқтисодий сиёсатда янги афзалликлар яратади.

Жаҳон бозорларида харидорлар аввалгидан фарқ қилмоқда, яъни экологик тоза маҳсулотларга талаб катта, бундан ташқари ишлаб чиқарувчилардан ижтимоий масъулият талаб қилинмоқда ва халқаро стандартларга мос маҳсулотлар устуворлиги намоён бўлмоқда.

Ташқи савдо бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим

тан 1%га ошиши саноатда бандликни 0,62–0,78% га оширади. Яъни экспорт қанча кўп бўлса, иш ўринлари шунча кўп яратилади.

Бугун товар ва хизматлар жаҳоннинг деярли барча минтақаларига эркин кириб борапти. Ташқи савдо жаҳон иқтисодиётида ўсиш ва ривожланишнинг асосий драйвери бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун Ташқи савдо саноатни ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш учун муҳим омил бўлди.

2025 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 17,3 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 8,6% кўп. Экспорт 8,1 млрд доллар, импорт: 9,2 млрд долларни ташкил этмоқда. Бу рақамлар мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти кенгайиб бораётганини, экспорт ҳажми барқарор ўсиш тенденциясини на-

кўпайтириш имконини беради (Осиё таракқиёт банк тадқиқоти).

Ташқи савдо муносабатлари кўп томонлама тизим бўлиб, унда молиявий механизм асосий ўрин тутди. Бундан ташқари тўғри ташкил этилган молиявий инфратузилма, экспортчилар учун қулай шартлар, савдо кредитлари ва кафолатлар каби чора тадбирлар ташқи савдо фаолияти самарадорлигини бир неча баробар ошириши мумкин.

2023 йилда Европада, АҚШда ва қатор Осиё давлатларида импорт пасайган бўлишига қарамай, Яқин Шарқ, МДХ давлатларида импорт ўсиши кузатилди. Бу Ўзбекистон учун ҳам янги савдо бозорлари очилаётганини кўрсатади.

Бу ўз навбатида, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, халқаро стандартларга мос қонунчиликни янгилаш, савдо молиялаштиришини ривожлантириш, ва экспортни қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг жаҳон савдосидаги рақобатбардошлигини оширади ва барқарор иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Ташқи савдо муносабатларини ривожлантириш мамлакатнинг келгуси таракқиёти, янги иш ўринлари, экспорт салоҳияти ва инвестициявий жозибадорлиги учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади, яъни, бугунги оқилона ва стратегик қарорлар келажак авлодлар учун барқарор ва мустаҳкам иқтисодий асос яратади.

Технологияларнинг етишмаслиги, валюта курсларининг беқарорлиги ва узоқ муддатли режалаштиришга эҳтиёж каби муаммолар шароитида ташқи бозорлардаги чақирикларга тез жавоб бера оладиган пухта ва комплекс стратегиялар ишлаб чиқиш муҳимдир. Чунки глобал иқтисодиётда рақобат кескинлашиб борар экан, мамлакатнинг ташқи савдо сиёсати замон талабларига мос бўлиши зарур. Шу билан бирга, ташқи иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш учун давлат ва бизнес ўртасидаги яқин ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инвестицияларни кенг жалб қилиш, корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий масъулиятни инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш – мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлайди.

Шодиёр ҲАМЗАЕВ,
“Бизнесни Ривожлантириш
Банки” АТБ “Молия
институтлари ва инвесторлар
билан ишлаш” департаменти
“Молия институтлари билан
ҳамкорлик бошқармаси”
бошлиғи

Халқаро амалиётда экспортчиларга молиявий қўллаб-қувватлаш кўрсатиш савдо ҳажмини оширишнинг энг самарали воситаларидан бири саналади. Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда ишлар олиб борилмоқда, яъни экспортга имтиёзли кредитлар, экспорт суғуртаси ва кафолат ва субсидия механизмлари ривожланмоқда.

омилларидан бирига айланди. Таҳминларга кўра, дунёдаги барча иқтисодий алоқаларнинг 80 фоизи, яъни 4/5 қисми халқаро савдога тўғри келади. Савдо ҳажми ўсиш суръатлари эса жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ўсишидан икки баравар тез.

Бу нима дегани? Бу – мамлакатлар ўртасидаги товар ва хизматлар айирбошлаш қанчалик муҳим эканини, иқтисодиётлар қанчалик бир-бирига боғлиқ бўлиб бораётганини ва савдосиз иқтисодий ривожланишни тасаввур қилиш деярли мумкин эмаслигини кўрсатади.

Ташқи савдо мамлакатлар иқтисодиётига қандай таъсир қилади?

Ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва ихтисослашувни кучайтиради. Ташқи савдо кенгайган сари қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ишга тушади, корхоналар техника ва технологияларни янгилайди, махсус маҳсулотлар бўйича ихтисослашув чуқурлашади.

Бу эса мамлакат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширади.

Экспорт ортиши – янги иш ўринлари демакдир. БМТнинг ЮН-КТАД ташкилоти маълумотида кўра: Экспортнинг ЯИМга нисба-

моён этаётганини кўрсатади.

2025 йил 30 апрель куни Президентнинг 74-сонли Фармони қабул қилиниб, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Фармон қуйидагиларни назарда тутди:

- иқтисодиёт тармоқларини рақобатбардош қилиб қайта тузиш,
- Ташқи савдо қоидаларига мос қонунчиликни янгилаш,
- ЖСТ талабларига мувофиқ бозор иштирокчиларини тайёрлаш.

Бу қадам Ўзбекистоннинг жаҳон савдо тизимига тўлиқ интеграцияланиш истагини янада мустаҳкам тасдиқлайди.

Халқаро амалиётда экспортчиларга молиявий қўллаб-қувватлаш кўрсатиш савдо ҳажмини оширишнинг энг самарали воситаларидан бири саналади. Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда ишлар олиб борилмоқда, яъни экспортга имтиёзли кредитлар, экспорт суғуртаси ва кафолат ва субсидия механизмлари ривожланмоқда. Халқаро тажрибага кўра, экспорт-импорт операцияларини молиялаштиришни 25% га ошириш ишлаб чиқаришни 30%, бандликни 20%, инвестицияларни 19% га